

# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2009 йил, 12 январь, Душанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 7 (11.318)

Баҳоси эркин нарҳда

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида** Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия кўмитаси, партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси «Ўзкимёсаноат» ДАК билан** ҳамкорликда Қўнғирот сода заводида маҳаллий хом ашёдан кальцинацияланган сода ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштирдилар. Ушбу технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш корхонага йилига 515,1 миллион сўм фойда келтиради.

● **Ўқувчи ёшларни миллий-маданий меросимиз билан яқиндан таништириш, уларнинг халқ амалии санъати ва хунармандчиликка қизиқишини ошириш мақсадида** ташкил этилган ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Ёш хунармандлар» танловининг Самарқандда яқунланган вилоят босқичида эллика яқин ёш хунарманд иштирок этди.

● **2008 йил давомида** Жиззах вилоятида 5 та янги мактаб қуриб битказилди, 56 та мактаб реконструкциядан, 59 та мактаб эса мукамал таъмирдан чиқарилди. Мазкур таълим муассасалари мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжумалари билан таъминланди.

● **Ўтган йили Фарғона вилоятида** хоржилик ҳамкорлар билан биргаликда ўндан ортиқ қўшма корхона ташкил этилди. Қўнғирот кеча эса вилоятда «Корея хана медал» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Худудий инвестиция дастури доирасида ишга туширилган мазкур қўшма корхона замонавий технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, бу пахта толасидан сифатли тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини беради. Қўшма корхонада 50 дан ортиқ ёшлар иш билан таъминланди.

## ЖАҲОНДА

● **Европа Иттифоқи ва Украина Россиянинг газ транзити бўйича шартномага киритган қўшимчаларини қўриб чиқишга рози бўлди.**

● **Германия канцлери Ангела Меркел БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши қошида** иккинчи бўйича халқаро Кенгаш тузишини тақлиф қилди. Канцлернинг айтишича, мазкур Кенгаш тезкор чора-тадбирлар қўрилиб йўриқнома тузишга йиллаб вақт сарфламаслиги, қисқа муддатли иқтисодий тадбирлар Хартиясини ишлаб чиқиши лозим.

● **АҚШ Конгрессининг** иккала палатасининг қўшма йиғилишида Барак Обама 2008 йилда бўлиб ўтган президентлик сайловининг ғолиби деб расман тасдиқланди. Шунингдек, кеча Вашингтонда Б.Обама инаугурация маросимининг репетицияси бўлиб ўтди.

● **БМТ Бош Ассамблеяси қарори билан** 2009 йил —Халқаро астрономия йили деб эълон қилинди. Халқаро астрономия уюшмаси ва ЮНЕСКО ташаббуси билан ўтказилаётган кинотшунослик йили телескоп кашф этилишининг 450 йиллик санасига тўғри келди. Халқаро астрономия йилининг очилиш тантаналари 15-16 январь кунлари Парижда ўтказилади.

● **БМТ Хавфсизлик Кенгаши** Фазо секторига амалга оширилаётган ҳарбий ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиш ва у ердан Исроил ҳарбийларининг чиқиш кетиши юзасидан резолюция қабул қилган бўлсада, Бирок Исроил ушбу операцияга қўшимча ҳарбий кучларни ҳам жалб эта бошлади. Кеча фақат Испания ва Швейцарияда Фазо секторига Исроилнинг ҳарбий операцияларига қарши ўтказилган норозилик намойишларида юз мингдан ортиқ киши қатнашди.

● **Кеча Индонезияда** кучли бўрон оқибатида «Гератга прима» пароми сувга қўйиб кетган. Қутқарувчиларнинг ўз вақтида амалга оширган саъй-ҳаракатлари натижасида паромдаги йўловчилардан 150 киши қутқариб олинди.

● **Бугундан бошлаб** Россияда хорижда ишлаб чиқарилган машиналарга нисбатан янги оширилган бож тўловлари жорий этилди.

● **Жаҳондаги алюминий ишлаб чиқарувчи энг йirik корхоналардан бири** — Американинг Alcoa компанияси молиявий қийинчиликлар сабабли ўзининг 13,5 минг ходимини бўшатилга қарор қилди. Мазкур компания шунингдек, шартнома бўйича ишлаётган 1700 нафар кишини ҳам ишдан озод этмоқчи.

● **АҚШ Аэронавтика ва Коинотни тадқиқ қилиш миллий бошқармаси** — NASA 2010 йилда истеъмолдан чиқариладиган ўзига тегишли кўп марта ишлатилган мўлжалланган космик кемаларни сотишни режалаштирмоқда. Ҳар бир кеманинг нархи NASA томонидан 42 минг доллар этиб белгиланди. Ҳозирда NASA ҳисобида шундай космик кемалардан учтаси мавжуд.

● **«ECA International» консалтинг компанияси олиб борган** кузатишларга кўра Ангола пойтахти Луанда келиб-кетувчилар учун энг қimmat шахар сифатида баҳоланди. Мутахассислар бу ердаги 115 турдаги маҳсулот ва хизматлар нархларини таққослашганда, бошқа шахарларга нисбатан анча қimmat эканига гувоҳ бўлишди. Рейтингда Япония пойтахти Токио шахри иккинчи ўринни эгаллади.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

## Киска сатрларда


- **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлиб ўтган анжуман «Юсак маънавият тамойиллари асосида раҳбар кадрлар тайёрлаш масалалари» деб номланди.
- **ТОШКЕНТ** олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Ватан ҳимоячилари кўнига бағишлаб уюштирилган тadbирда аскарлар, офицерлар иштирок эттиди.
- **РЕСПУБЛИКА** Мудофаа вазирлиги ва Республика Маънавият тарбиёт маркази ҳамкорлигида шахримизда ўтказилган тadbир Ватан ҳимоячилари кўнига бағишланди.
- **ТОШКЕНТ** ҳарбий округи алоқачилар қисмида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кўнига бағишланган тadbир уюштирилди.
- **ШАХРИМИЗДА** спорт усталари ўртасида шахмат бўйича ташкиллаштирилган Ўзбекистон чемпионатининг 8-тури яқунланди.
- **МИРОБОД** туманидаги 110-мактабда мактаб ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг сузиш тури бўйича 3-босқич беллашувларига старт берилди.
- **БУГҮН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи спорт залида 8-12 ёшли болалар ўртасида у-ш, стол тенниси бўйича ўтказилган мусобақалар туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

**МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР** ТАДБИРКОРЛАР САФИ ОРТИШИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛИБГАНА ҚОЛМАЙ, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАЪКИДЛАГАНЛАРИДЕК, ҲЕЧ МУБОЛАҒАСИЗ АЙТИШ МУМКИНКИ, БУ СОҲА ИЧКИ БОЗОРЛАРИМИЗНИ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ БИЛАН ТЎЛДИРИШДА САЛМОҚЛИ ХИССА КЎШМОҚДА.



Ана шундай тadbиркорлар сафидан катта йул ва йилма йул уларга берилётган имкониятлар менинг ҳам диллимдаги мақсадимни рўйга чиқарди, — дейди хусусий тadbиркор Саодат Вакилова. — Мустақиллигимиз шарофати билан тadbиркорликка очилган катта йул ва йилма йул уларга берилётган имкониятлар менинг ҳам диллимдаги мақсадимни рўйга чиқарди, — дейди хусусий тadbиркор Саодат Вакилова. — 2005 йилда ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиб 4 нафар шогирдим билан кичик келувчилик цехи ташкил этдим. Россия ҳамда Германия тикув маши-



## Хусусий бизнес КЎРКАМ ЛИБОСЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

наларида самарали фойдаланиб, маҳсулотлар тайёрлаб бошладик. Саодат либослар дизайнини яратишда турли бичимдаги моделларни харидорларга манзур этишда ўз тажрибасига таяниш билан бирга ҳамкасблари малакасини ҳам ўрганади. Аввалига ёстиқ жилдлари ҳамда чойшаблар тикшиш бўлса, кейинчалик турли кийим-кечаклар учун буюртмаларни ҳам бажаришга ўтишти. Пойтахтимиздаги меҳмонхоналар, ободлаштириш бошқармалари ходимлари учун иш кийимлари ҳам тикиб беришди. Ўтган йили Саодат ўз цехига Хитойнинг янги машинасини ҳам келтирди. Бу эса тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини таъминлашда чеварларга қўл келувчилик цехи ташкил этдим. Россия ҳамда Германия тикув маши-

вар ҳамда шогирдлар миллий либосларнинг шарқона урф-одат ва анъаналаримизга мос, шунинг баробарида замонавийлик билан уйғунлашган моделларини яратишмоқда. Бундай либослар, албатта ўз харидорини топади. Янги йилни эзгу ниятлар билан бошлаган хусусий тadbиркор анъанавий тарзда Президент соҳирини учун ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг туман босқичида ўзининг янги изланишлари ва маҳсулотларини намойиш этиб, голиблар қаторидан ўрин олиш ниятида саъй-ҳаракатини давом эттирмоқда. Зеро, интиланганга толе ёр бўлиши, шубҳасиз. Шарифа ИЛЕСОВА СУРАТЛАРДА: чеварларнинг меҳнат маҳоратлари буюртмачи ва мижозларни мамнун этмоқда. Ҳакимжон Солихов олган суратлар

## Дилбар АБДУҲАКИМОВА, тadbиркор (Самарқанд):

— 14 январь нафақат ҳарбий хизматчиларнинг, балки Ватан олдидаги бурчини адо этишга тайёр, она юрти шарафини ҳимоя қилишга шай барча ҳамюртларимизнинг шарафли байрамидир. Менинг тўрт ўғлим бор. Оиламизда ҳар йили Ватан ҳимоячилари кўни муносиб нишонланади. Шу кўни мен турмуш ўртоғимни ва фарзандларимни байрам билан самимий қутлашга одатланганман. Уйилларим ҳали ёш, бироқ вақти келганида уларнинг армияга бориб, ҳарбий хизматни ўташини жуда истайман. Чунки ҳарбий хизмат ҳар қандай йигитни жасоратли ва матонатли этиб тарбиялайдиган мактабдир.

## 14 январь — Ватан ҲИМОЯЧИЛАРИ КЎНИ

## ЎҒЛИМНИНГ ОРЗУСИ — ОФИЦЕР БЎЛИШ

**МАМЛАКАТИМИЗДА 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КЎНИ КЕНГ НИШОНЛАНАЁТГАН ШУ КҮНЛАРДА ЎЗА МУҲБИРИ АЙРИМ ҲАМИОРТЛАРИМИЗ БИЛАН УШБУ БАЙРАМ ХУСУСИДА СУҲБАТЛАШДИ.**

## Зайилдин ЭРҒАШЕВ, ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник (Жиззах):

— Ҳарбийлик метин ирода, сабр ва масъулият талаб қиладиган соҳа. Мен ана шундай шарафли ва олижаноб касб эгаси бўлишни болаликдан орзу қилардим. Интилиш ва изланишларим самараси ўлароқ, ниятига етдим — ҳарбий ўқувчи бўлдим. Ҳозирги кунда ҳарбий самолёт командири вазифасида меҳнат қиламан. Шу билан бирга, ёш ҳарбий ўқувчиларга ҳаво кемаларини бошқариш ва само сарҳадларини ҳимоя қилиш бўйича сабақ бераман.

Мамлакатимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кўнининг кенг нишонланиши биз, ҳарбийларга қаратилган улкан эътибордан далолатдир. Ҳарбий қисмида ушбу санани нишонлашга қизгин тайёргарлик кўрилкоқда.

Ушбу айёмни оиламиз даврасида ҳам нишонлаймиз. Менинг хизматдаги муваффақиятларимда онамнинг оқ фотиҳаси, рафиқамнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам мени қўллаб-қувватлаши катта ма-

дад беради.

Мақсадим она Ватанимизга фидокорона хизмат қиладиган, унинг манфаатлари ва сарҳадларини ҳимоя этишга қодир, шижоатли ва жасур, юсак интеллектуал салоҳиятга эга етук кадрлар тайёрлашга ўз ҳиссамини қўшишдан иборат.

## Ўқтам ОРЗИКУЛОВ, иккинчи жаҳон уруши фахрийси (Тошкент):

— Ватан озодлиги, юрт тинчлиги каби сузаларнинг қадри нечоғли улғ эканини биз, уруш қатнашчилари жуда яхши биламиз. Иккинчи жаҳон уруши йиллари

зерви хизматини ўтадим. Ушанда армия ёшларни шахс сифатида шакллантиришга хизмат қиладиган ҳаёт мактаби эканига амин бўлдим. Ҳарбий хизматни ўташ давомида катта сабоқ олдим. Она Ватанимни ҳимоя қилишни, қадрлашни ва ардоқлашни ўргандим.

Илгарилари юртдошларимиз ҳарбий хизматни ўташ учун нотаниш ўлкаларга юборилар эди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Ватан ҳимоясини бўламан, деган ҳар бир фуқаро хизматини ўз юртимизда ўтаб, ҳарбий маҳорат сирларини ўрганмоқда. Жисмоний ва маънавий камол топиб, Ватанга муҳаббат руҳида тарбияланаётган.

Армиядаги хизматимиз чоғида ўзимизни уйимиздагидек ҳис этардик. Ҳарбий сабоқларни кунт билан ўрганиш учун барча имкониятлар мавжуд.

## Артур ВАФОВЕВ, «Ил-76» ҳарбий ҳаво кемаси командирининг ёрдამчиси, катта лейтенант:

— Ҳарбий бўлиш, Ватанни ҳимоя қилишга ҳисса қўшиш ҳар бир йигит учун қиламан. Бунда менинг ҳам, оз бўлсада, ҳиссам борлигидан гурурланаман.

Ушбу муносабатларини мувофиқлаштириш мавзуи 2009 йил 9 январда Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасида бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда муҳокама мавзуи бўлди. Конференция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Самога парвоз қилганимда, бепоён ва мусаффо осмонимиз осудалигига шукр қиламан. Бунда менинг ҳам, оз бўлсада, ҳиссам борлигидан гурурланаман.

Ушбу муносабатларини мувофиқлаштириш мавзуи 2009 йил 9 январда Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

## ФУҚАРОЛАРИНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ: КАМОЛОТ САРИ

**Мамлакатимизда уни эволюцион ривожлантириш моделининг ўзимиз танлаб олган энг муҳим принципи — «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш» принципи фаол амалга оширилимоқда. Бу принцип фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада оширишга ва уларни фаоллаштиришга қаратилгандир.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн олти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатни бошқаришда фуқароларнинг ролини ошириш борасидаги вазифалар ҳақида гапириб, «бу энг аввало, давлатнинг ролини изчиллик билан камайтириб бориш ва айна вақтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг функциялари ҳамда ваколатларини кенгайтириш, турли аҳоли қатламлари ва гуруҳларининг ҳақиқий манфаатларини ифода қиладиган ва ҳимоя қиладиган сиёсий ва ижтимоий институтлар, нодавлат нотижорат тузилмалар ролини ошириш масалаларидан иборат» эканлигини алоҳида таъкидлади.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш» мавзуи 2009 йил 9 январда Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасида бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда муҳокама мавзуи бўлди. Конференция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

ҲАРБИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

АЙНИ КУНЛАРДА 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖОЙЛАРДА ТУРЛИ КҮНГИЛОЧАР ТАДБИРЛАР, УЧРАШУВЛАР ВА АНЖУМАНЛАР ҲАМ ҲАМ ҲАМ...

Шундай тадбирлар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган ҳарбий қисмлар ва билим юртиларида ҳам ўтказилаётди. Бу каби тадбирларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, аҳоли, хусусан, чақирқоча бўлган ёшлар ўртасида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ҳамда ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш борасида олиб борилаётган кенг кам-

ровли ишларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган. Шунинг таъкидлаш жоизки, юртимиз сарҳадлари дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, юрт осудалигини ишончли ҳимоя қилиш, маънавий юксак, жисмонан бақувват аскарлар ва замонавий қуролаш, техника билан таъминланган, юқори тажрибага эга бўлган Курол-ли қўшларни вужудга келтириш юртимизнинг буюк ке-

лажагини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифалардандир. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Республика Маънавий тарғибот маркази ҳамкорлигида ҳарбий қисм ва муассасаларда олимлар, ёзувчилар, маданият ва санъат намояндолари иштирокида ўтказилаётган бундай учрашувлар ҳарбийларнинг маънавиятини янада бойитишга хизмат қилиши табиий.



ВАТАН ҲИМОЯСИ ИШОНЧЛИ КЎЛАРДА

МАЪЛУМКИ, ҲАРБИЙ СОҶА МАРДЛИК, МАТОНАТ, ЮКСАК АҚЛ ИДРОК, ФИДОЙИЛИК ВА ҲАМ ВАТАНИ ОЛДИДАГИ БУРЧИ ҲАМДА ҚАСАМЭДИГА СОДИҚЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ. ҚУРОЛЛИ ҚУЧЛАРИМИЗ САФИДА ҲАРБИЙ ҲАВО ҚУЧЛАРИНИНГ БЎЛИШИ ЭСА САМО САРҲАДЛАРИНИ ТҮЛА-ТҮҚИС ҚЎРИҚЛАШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

Дарҳақиқат, жасорат, матонат каби сўзлар ҳарбий хизматчининг нафақат хислати, балки ҳаётий мақсадига айланган улгурган. Шахсий таркибни профессионал, ҳарбий характернинг янги усуллари тўла ўзлаштирилиши, нишонларни аниқ мўлжалга олиш, мураккаб парвозларни мукамал бажариш, барча кўрсаткичлар бўйича энг яхши натижаларга эришиш ҳарбий хизматчиларни доимий ўқув ва ҳошияларидан амалий ҳаракатга айланган дейиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон ҳарбий ҳаво қўшлари юртимизда само сарҳадларини қўриқлашда муносиб улуш қўшиб келмоқда. Ҳаво кемалари командири мутахассисларини тайёрлаш, электрон бошқарув, соҳага ихтисослаштирилган энг замонавий ахборот технологияларини пухта ўзлаштириш тизим салоҳиятини оширишдаги муҳим мезорид. Бундан ташқари, ҳарбий ихтисослиқни ўрганиш жараёнида ҳарбий техникани бошқариш билан бирга хиз-

матчиларни ихтимой-сиёсий дунёқараш ҳам юксалиб бораётди. 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни арафасида Республика Маънавий тарғибот маркази томонидан мазкур ҳарбий қисмда маънавий-маърифий тадбир уюштирилди. Унда таъкидланганидек, умр мазмунини унинг вақти-соати билан эмас, балки ватанга, эл-юртга фидойилигида амалга оширилган ишлар салмоғига қараб ўлчанади. Ўтказилган маънавий-маърифий учрашувда хизмат бурчини бажарётган вақтида халқ бўлган мард ўғлонларнинг жасорати яна бир бор тилга олинди. Уларнинг оила аъзоларига меҳр-муруват кўрсатилди. Зеро, ҳар бир инсоннинг хотираси энг мақсадлар сари руҳлантириб туради. Йиллар, асрлар ўтади аммо ватан эрки, юрт осойишталиги учун кўрсатилган матонат, фидойилик қалбларда муҳрланиб қолади. Сурайё МЕЛИКУЛОВА, "Туркистон-пресс"

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА НАВҚИРОН АВЛОДИ МУСТАҚИЛ ФИКР, ЮКСАК МАЪНАВИЯТ СОҶИБЛАРИ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ВАТАН ВА ВАТАНПАРВАРЛИКНИ МАДҲ ЭТУВЧИ КЎПЛАБ АСАРЛАР ЯРАТГАН БАСТАКОРЛАРИМИЗ ИЖОДИ ҲАМ АНА ШУ ЭЗГУ МАҚСАДГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН.

ВАТАНПАРВАРЛИК ҚЎШИҚЛАРИ

Бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев ўз ақида-си билан сўзлашди: — Юртимиз истиқлолга эришгунга қадар она тилимизда ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлар деярли йўқ эди. Ҳақиқатда ҳарбий ўғлонларимиз миллий ўзлигимиз, гуруримиз, маънавиятимиздан йироқ қўшиқларни икром этишарди. Бугунги фаровон ва осуда ҳаётимиз, эл-юртимиз тинчлигини асраб-авайлаш, унга сидқидилдан хизмат қилишни чинакам шараф деб билган ҳарбийларимиз миллий қўшиқларимизни қўйламоқдалар. Ижодкорларимиз эса Ва-

танин кўз қорачиқдек асрашга даъват этувчи, миллий гурурни улғувчи, фидойилик, мардлик, жасуриликка чорловчи асарлар яратмоқда. Бу борада уюшмамиз турли ва-зирлик ва идоралар, қўшма-лар, ижодий бирлашмалар, жамоат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйган. Шу тарихи мусиқа санъатимизда янги йўналиш — ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлар шаклланди. Унда турли жанрлар — саф қўшиқлари, аскар қўшиқлари, тантанادا икром этилувчи мусиқий асарлар, маршлар яратилди. Улар ўзининг оҳанги, кўтаринки ва тантанавор руҳи билан кўпчиликам манзур бўлмоқда. Бундай куй-қўшиқ-

ларни яратишда Ҳабибулла Раҳимов, Аваз Мансуров, Аваз Маллабоев, Шухрат Дадажонов, Павел Макаров каби бастакорларимиз, Жуманиёз Жабборов, Махмуд Тоир, Сирижиддин Сайиди сингари шоирлар билан яқиндан ижодий ҳамкорлик қилиб келмоқда. «Ўзбекистон», «Ифтихори-миз», «Аскар мактуби», «Офиц-ерлар», «Ешлик», «Йиллар» каби ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги қўшиқлар шулар жумласидандир. Зеро, она Ватани, халқимизнинг буюк қўшиқларини турли жанрдаги асарларда қўйлаш, таранум этиш ҳар бир ижодкор учун шараф, қолаверса, фарзандлик бурчидир. Назолат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

Хусусан, ёшларнинг таълим-тарбиясига қаратилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги қонун, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимни ривожлантиришнинг Давлат умумий миллий дастури бу борада дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Эътиборлиси эртанимизга муносиб извод бўладиган ёшларнинг ҳуқуқий саводхон, тиббий маданияти юксак, ақлан баркамол бўлишлари йўлида барча шарт-шароитлар яратилган. Ёшларга таълим-тарбия бераётган ўқитувчи-мураббий, устозларнинг ҳам малакалари оширилиб, бугунги кун талаби даражасида илм беришлари таъминланган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ба-лоғат ёшига етган ёшларимизга янада эътиборни қаратиб, уларнинг ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини оширишимиз лозим. Чунки турмуш қуриш, оила аталиш кутлуг масканга қадам қўйишда улар жисмонан соғлом, ақлан комил, руҳан тетик бўлишлари керак. Иш тажрибасидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак турмуш қуриш учун ариза беришга келган ёшларни қузатар эканмиз, айрим келин-кўвларнинг ҳали оилавий ҳаётга тайёр эмасликларини кўрамыз. Тиббий кўриқнинг аҳамияти, ёшларнинг қонуний никоҳдан ўтишининг афзаллиги, оилада ота-онанинг бурчи, вазифалари, ҳақ-ҳуқуқлари, бола тарбиясидаги ўрни ҳақида тўлиқ билимга эга эмасликлари сезилиб қолади. Шундан келиб чиққан ҳолда ёшларимизга оиланинг бахтли яшаб кетиши учун фарзанднинг дунёга келиши қанчалик қувончли ҳол бўлса, гўдакка маъно-мазмунга эга бўлган исм қўйиш, катта бўлганда ўзини ўнғайиш сезмаслигига эътиборни қаратиш, шу билан бирга бу борадаги қонун-қоидаларни ҳам яхши би-

лишлари лозимлиги ҳақида фикр юритмоқчимиз. Уйлаймизки, ҳар бир ёш ота-она учун бу фойдадан холи бўлмайд.

Маълумки, туғилишни қайд этиш Ўзбекистон Республикаси «Оила Кодекси»нинг 205-моддасида ўз аксини топган бўлиб, боланинг туғилганлиги ота-онанинг ёки улардан бирининг доимий яшаш жойида ёхуд туғруқхона жойлашган ҳудуддаги ФХДЭ

муддат бўлиши лозим. Оталиқни белгилаш масаласи ўзаро қонуний никоҳда бўлмаган шахслар ўртасида фарзанд туғилиши ва унга нисбатан насл-насаб белгиланиши муносабати билан юзага келади. Айнан шу маънода, оталиқни белгилаш ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга асос бўлади. Амалийотда ҳали туғилмаган боланинг ота-онаси она ҳомилдорлик пайтида болага оталик белгилаш тўғрисида ариза ёзиб, бола туғилдиган вақтда ота кела олмаслигини кўрсатиш ҳоллари ҳам учрайди. Бундай ҳолда ФХДЭ бўлимига берилган аризада боланинг исми ва туғилган санаси ҳақидаги маълумотлар очик қолдирилади. Бола туғилгандан сўнг оталик белгилаш ҳақидаги аризада боланинг исми, фамилия ва ота исми тўлдирилиб, сўнгра туғилганлик ҳақида гувоҳнома расмийлаштирилади.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМДОНЛИК — БУГУНГИ КҮН ТАЛАБИ

МАЪЛУМКИ, ЮРТИМИЗДА МУСТАҚИЛЛИКА ЭРИШИЛГАН ИЛК ЙИЛЛАРДАН БОШЛАБ УНИБ-ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНАН СОҶЛОМ, РУҲАН ТЕТИК ВА МАЪНАВ БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ЙЎЛИДА КАТТА САЪН-ҲАРАКАТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

органида унинг туғилганлиги ҳақидаги тиббий маълумотнома, ота-онанинг оилавий ҳолати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида қайд этилади. Болага исми қўйиш ота-она учун энг катта масъулиятли вазифа бўлиб, исми, фамилия ота-онанинг келишувига, ўзаро розилигига кўра берилди. Ота-она ўз фарзандига муносиб исм танлашга, исмининг мазмунан гўзал, шаклан чиройли бўлишига интилиши табиий бир ҳол. Бундай исмларда, одатда, ҳолисона орзу-умидлар, фарзандга бўлган меҳр-муҳаббат ҳамда эзгу ниятлар ўз аксини топади. «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддаси асосида болага фамилия, исми ота-онанинг хошияига кўра ота ёки она томонидан миллий анъаналарга кўра бобонинг исми бўйича фамилия берилиб, боланинг исмига «хон,

маганлиги сабабли баъзи ота-оналар фарзандининг туғилганлигини ўз вақтида расмийлаштирмайдилар. Бундай ҳолларда ота-она шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари, никоҳ ҳақида гувоҳнома, боланинг туғилганлиги ҳақида тиббий муассасасининг маълумотномаси, шахар марказлаштирилган ФХДЭ архивидан боланинг туғилган кунидан то шу кунгача туғилганлиги расмийлаштирилмаганлиги ҳақида маълумотнома ва бола рўйхатга қўйилган тиббий муассасасидан соғломлиги ҳақидаги маълумотномаси билан ФХДЭ бўлимига мурожаат этишлар. Айрим ҳолларда боланинг отаси сифатида она билан никоҳда бўлиб вафот этган, никоҳдан ажратилган, никоҳи ҳақиқий эмас деб топилган шахс ёзилиши мумкин. Бундай ҳолларда отанинг вафотидан, никоҳдан ажратилгандан, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганидан бола туғилганига қадар 300 (уч юз) кундан ошмаган

муддат бўлиши лозим. Оталиқни белгилаш масаласи ўзаро қонуний никоҳда бўлмаган шахслар ўртасида фарзанд туғилиши ва унга нисбатан насл-насаб белгиланиши муносабати билан юзага келади. Айнан шу маънода, оталиқни белгилаш ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга асос бўлади. Амалийотда ҳали туғилмаган боланинг ота-онаси она ҳомилдорлик пайтида болага оталик белгилаш тўғрисида ариза ёзиб, бола туғилдиган вақтда ота кела олмаслигини кўрсатиш ҳоллари ҳам учрайди. Бундай ҳолда ФХДЭ бўлимига берилган аризада боланинг исми ва туғилган санаси ҳақидаги маълумотлар очик қолдирилади. Бола туғилгандан сўнг оталик белгилаш ҳақидаги аризада боланинг исми, фамилия ва ота исми тўлдирилиб, сўнгра туғилганлик ҳақида гувоҳнома расмийлаштирилади.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг муҳандислик-техник марказида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ташкил этилган «IP телефония NGN тармоқлари асоси сифатида, NGN тармоқлари хавфсизлиги» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

NGN — КЕЛАЖАК АВЛОД ТАРМОҒИ

Семинарда мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Жумладан, аънавий телекоммуникациялардан NGN тармоқларига ўтиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Замонавий транспорт инфратузилмаси шакллантирилди, тармоқларни рақамлаштириш бўйича ишлар якунланмоқда, абонентлар фойдаланаётган тармоқлар қайта қурилмоқда ва модернизация қилинмоқда, NGN вазифасини бажарувчи ускуналар ўрнатилмоқда. Икки кун давомида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси раҳбар ва мутахассислари NGN технологияларини базавий билимлари бўйича маърузалар тинглади. NGN аъ-

маси — Next Generation Network — Келажак авлод тармоғи деган маънони англатади. У сифати қаболатланган кўплаб телекоммуникация хизматларини тақдим этиш ва фойдаланувчининг мослашувчанлигини таъминлайдиган кенг поласали тармоқ пакети асосида ташкил этилган. Бошқача айтганда, NGN - видео-телефон, видеоконференция, Интернетдан юқори тезлик билан фойдаланиш, маълумотларни тезкор узатиш, шу жумладан, рақамли телевидение, IP-телевидениени ижарага бериш, мультисервис корпоратив тармоқлар, IP-телефония, электрон ҳужжат айланиши, электрон тижорат, масофавий таълим, комплекс телематик тизимлар каби қўшимча турларни ўз ичига олувчи маҳаллий, шаҳарлара-

ро ва халқаро телефон алоқа хизматидир. Мутахассисларнинг фикрича, NGN тармоқларининг асосий гоёси кўплаб хизматларни кўрсатиш учун ягона тармоқ инфратузилмасини ташкил этишдан иборат. Бу эса битта тармоқ инфратузилмасида траффикнинг ҳар қандай тури билан ишлашни кўзда тутди. Айни вақтда NGN тармоқларини ривожлантириш аънавий тармоқлар тузилмаси, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда транспорт технологияларини танлашга доир қатор масалаларни ҳал қилишни тақозо этади. Семинарда олимлар ва мутахассисларнинг мазкур масалаларни ҳал этишга оид маърузалари тингланди. В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА муҳбири

БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ихтимой ҳаракати томонидан жойларда ташкил этилаётган Янги йил байрами тадбирлари кичкинтойларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Пойтахтимизнинг «Қорасарой» маҳалласида ўтган ана шундай шодийнага юз нафарга яқин кам таъминланган оилалар фарзандлари таклиф этилди. Болалар Корбобо, Қорқиз ва эртак қаҳрамонларининг чиқишларини мириқиб томоша қилдилар. Глиэр номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи ўқувчилари иштирокидаги концерт даврага янада файз киритди. Болаларга байрам совғалари улашилди. Б.ХИДИРОВА, ЎЗА муҳбири

ТАЪЛИМ СОҶАСИДА ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 19-21 ФЕВРАЛЬ КҮНЛАРИ ТОШКЕНТДА «ТАЪЛИМ ВА КАРЬЕРА» ДУБ НОМЛАНГАН ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ҲАМ ҲАМ ҲАМ... мазкур халқаро кўргазма мамлакатимизда 2006 йилдан бундан бундан 35 тадан зиёд институт ва университет, пойтахтдаги 116 та коллеж ҳамда лицей, ўттиздан зиёд ўқув маркази, Россия, Украина, Латвия, Козогистоннинг бир қанча университетлари қатнашган. Хусан СУЛАЙМОНОВ, «Туркистон-пресс»

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲАҚИҚАТИ ҲАМ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ: КАМОЛОТ САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда). Конференцияда маҳалла қадимий ва ноёб миллий нодавлат институтлардан бири бўлиб, у мустақилликнинг дастлабки кунлариданок маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи сифатида ривожланиб ва мустаҳкамланиб борганини қайд этилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятини тартибга солувчи «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» тўғрисидаги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди. Хозир мамлакатимизда ўн мингдан ортиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатмоқда. Бу органлар аҳолини ижтимоий-сиёсий ҳаётга кенг жалб этиш, маънавий-маърифий ишларни қучайтириш, оилаларда тинчлик-тотувликни сақлаш, кам таъминланган оилалар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, ҳудудларни ободонлаштириш ишларини амалга оширмоқда, шунингдек, фуқаролик институтига хос бир қатор бошқа тадбирларни ташкил этмоқда.

Конференцияда сўзга чиққан олимлар, амалиётчилар ва мутахассислар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг таркибий-бошқарув тузилмаларини янада такомиллаштириш, уларнинг молиявий, моддий-техникавий, кадрлар соҳасидаги ҳамда ахборот ресурсларини кенгайтириш, кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг таъкидлаш, фуқаролик ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини ривожлантириш муҳимлигини таъкидладилар. Конференция қатнашчилари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг давлат органи билан ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш чўқурлаштириш ҳамда бу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш соҳасидаги долзарб масалаларга эътиборни қаратдилар. Масалани кенг муҳокама қилиш асосида конференция қатнашчилари мамлакатимизни фаол ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ролини ҳамда ваколатларини қучайтириш вазифаларини ҳал қилишга қаратилган тавсияларни қабул қилдилар. Конференция ишида сенаторлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, Бош прокуратурасининг вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридagi Давлат ва жамият қурилиши академиясининг, Стратегик ва миканталаро тадқиқотлар институти, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти, Тошкент давлат юридик институти, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш марказининг олимлари ва мутахассислари, шунингдек, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар. (ЎЗА)

Иқтисодиёт

ҚУЛАЙ ВА БЕЖИРИМ

ҚУЛАЙ ҲАМДА СИФАТЛИ ИШ КИЙИМЛАРИ ҲАР БИР СОҶА ХОДИМИГА ҚЎЛ КЕЛИШИ БАРОБАРИДА МЕҲНАТ КАЙФИЯТИНИ ҲАМ ЯХШИЛАЙДИ, ИШ УНУМИГА ҲИССА ҚЎШАДИ. Ана шундай махсус иш кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган пойтахтимиздаги «IRODAT» тикувчилик фирмаси бугунги кунда ўз буюртмачиларига эга. Улар ўзларининг 10 йилдан зиёд иш фаолиятлари давомида яхши тажриба тўпладилар. Харидор дид ва талабини, кўплаб соҳа ходимларининг иш ҳолатини ўргандилар. Ва бу, албатта, харидор талабини қондиришда жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Корхона цехлари ўтган давр мобайнида замонавий бичув-тикув, дазмол босиш дастгоҳ ва машиналари билан жиҳозлангани, ишчилар малакасининг ортиб бориши буюртмалар кўпайишига, тайёрланаётган униформалар сифати ортишида муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, бундай махсусотларни тайёрлашда маҳаллий хом ашёдан фойдаланилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Фирманинг «IRODAT» савдо ёрлиги билан ишлаб чиқарилган кўплаб униформалари, яъни қўйлак, халат, шим, куртка, нимча, шапка, қўлқоп ва бошқа кўплаб турдаги кийим-кечаклар меҳмонхона, савдо, соғлиқни сақлаш ходимлари, тоғ-қон, транспорт ишчиларига, хуллас кўплаб соҳа вакилларига қўл келмоқда. Шу боис ҳам тадбиркорлар жорий йилда янги моделларни яратиб, кўплаб соҳа ходимларини мамнун этишга аҳд қилишган.

САМАРАЛИ ФЙДАЛАНМОҚДА

БАДИЙ БЕЗАК БЕРИЛГАН ОЙНАЛАРДАН НАФАҚАТ ХОНАДОНЛАРНИ ЖИҲОЗЛАШДА, БАЛКИ ТУРЛИ МЕБЕЛЬ МАХСУЛОТЛАРИ ТАЙЁРЛАШДА ҲАМ КЕНГ ФЙДАЛАНМОҚДА. Бундай бадий безақли турли қўрилиш ҳамда ҳажмдаги ойналар махсулотга кўркамлик бахш этиши билан ажралаб туради. Бунёдкорлар ҳамда мебелсозлар учун жуда асқотадиган ана шундай хом ашёни «TEXNOINVEST-ST» корхонаси тадбиркорлари тайёрлаб беришмоқда. Ушбу безақли ойналар корхона цехларида Германия технологиялари асосида ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг малакали мутахассислари ушбу илгор технологияни қўллаган ҳолда ойнага ишлов бериб, ундан юқори бадийлик акс этган махсулот тайёрлайди. Ойнада акс этган турли бадий безақлар ўзининг қўрилиши, алоҳида жилваси билан буюртмачи талабини қондиради. Албатта, бу борада корхона дизайнер-расомларининг маҳоратларини эътироф этиш керак. Улар моҳирлик билан ишлашда, ойнага безақлар бериб жонлантиришда, Ҳозирда корхона жамоаси янги махсулот турларини ишлаб чиқариш, буюртмаларни янада қучайтириш, сифатга эътиборни қучайтиришга саъй-ҳаракат қилишмоқда. Шарофат БАХРОМОВА



